**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**“Таъминот ва логистика хизмати” ДУК директори,**
**Харид комиссияси раиси**
**__________________ А. Турсунов**

«____» __________2025 й.

# “Таъминот ва логистика хизмати” давлат унитар корхонаси

Ўзбекистон Республакаси ҳудудлари бўйича юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш юзасидан электрон шаклда харид савдоларини ўтказиш тўғрисида

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ**
**(кейинги ўринларда - танлов)**
**ҲУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент – 2025 й.

# МУНДАРИЖА


I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.

II. Хизматларнинг тури, миқдори ва бошланғич қиймати

III. Шартнома лойиҳаси.

# ТАНЛОВ ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

| | |
|---|---|
| **Харид предмети** | Ўзбекистон Республакаси ҳудудлари бўйича юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш**.** |
| **Лотларга бўлиниши** | 2 та лот |
| **Савдоларни ўтказиш даври (ой)** | Март-апрель ойи |
| **Молиялаштириш манбаи** | Бюджетдан ташқари маблағлари |
| **Бошланғич нарх** | **1-ЛОТ - ҚҚС билан 6 302 945 910,00 сўм**<br>- ҚҚС сиз **5 627 630 276,79** сўм<br><br>**2-ЛОТ - ҚҚС билан 5 316 778 525,00 сўм**<br>- ҚҚС сиз **4 430 648 770,83** сўм |
| **Тўлов шартлари** | 30% аванс, қолган 70% топшириш – қабул қилиш далолатномалари ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўланади. |
| **Тўлов валютаси** | ўзбек сўми. |
| **Етказиб бериш/хизмат кўрсатиш жойи ва шартлари** | Техник топшириқ асосида амалга оширилади |
| **Етказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вақти)** | Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 2025 йил давомида |
| **Танлов таклифининг амал қилиш муддати** | Шартнома имзолангунга қадар |
| **Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар** | Танловда, унда қатнашиш учун қўйиладиган шартларни бажарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин. |
| **Танлов таклифларини тақдим этиш муддати** | Беш иш куни |
| **Танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси котиби (ёки ишчи органи)** | Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: Омонов М. Тел.: (+99855) 501-33-70 |

# I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

**1 Умумий қоидалар.**

1.1 Танлов бўйича мазкур харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда - танлов ҳужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори (кейинги ўринларда – қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Танлов предмети: Ўзбекистон Республакаси ҳудудлари бўйича юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш**.**

1.3 Танловнинг бошланғич нархи:

**1-ЛОТ - ҚҚС билан 6 302 945 910,00 сўм**
**- ҚҚС сиз 5 627 630 276,79 сўм**

**2-ЛОТ - ҚҚС билан 5 316 778 525,00 сўм**
**- ҚҚС сиз 4 430 648 770,83 сўм**

Танлов таклифида кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.

1.4 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференция-лар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.

1.5 Ушбу танлов ҳужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:

**аванс тўлови** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонлар-нинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси;

**таклифни таъминлаш** - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закалат тарзида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | бошқа усулда таъминланиши<br>**давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда - оператор)** - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахсдир;<br>**шахсий кабинет** - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;<br>**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ҲККП деб юритилади)** - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;<br>**давлат харидларининг электрон тизими (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади)** - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;<br>**электрон давлат харидлари** - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли. |
| **2** | **Электрон танлов ташкилотчилари** | 2.1 | Танлов буюртмачиси: “Таъминот ва логистика хизмати” ДУК (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”). |
| | | 2.2 | Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс:<br>“Таъминот ва логистика хизмати” ДУК Харидларни ташкиллаштириш бўлими бош мутахассиси Омонов Муҳаммадали Азамат ўғли, тел: +998 55 501-33-70 (котиб). Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 49-б уй |
| | | 2.3 | Шартнома эгаси: “Таъминот ва логистика хизмати” ДУК |

2.4 Танлов, камида беш нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташкил қилинган харид комиссияси (кейинги ўринларда – танлов комиссияси) томонидан ўтказилади.

**3 Электрон танлов иштирокчилари**

3.1 Электрон танлов иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон танловда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахсдир.

3.2 Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;
буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

3.3 Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган иштирокчи давлат харидларида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

**4 Электрон танловга киритиш**

4.1 Иштирокчилар ҲККПдаги шахсий ҳисоб варақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон танловда қатнашади.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади)

фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

-Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари давлат харидлари электрон тизимида рўйхатдан ўтиши ва тижорат таклифларини юборишни электрон рақамли имзо калитсиз шахсий кабинет орқали амалга ошириши;

-электрон давлат харидларида қатнашиш учун тўланадиган аванс тўловлар орқали Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларини идентификация қилиши мумкин.

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:

киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш;

электрон харидларни ўтказиш;

электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчиларни аниқлаш;

битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

4.4 Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди.

Иштирокчи сўровнома-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, танлов эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.

Оператор:

буюртмачилар ва иштирокчиларга ҲККПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади;

буюртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| **5** | **Танловда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби** | 5.1 | **Таклифнинг таъминот** усули, шу жумладан танлов иштирокчисининг келишилган муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади. |
| | | 5.2 | Электрон танловда иштирок этиш учун иштирокчи:<br>- https://id.uzex.uz/ сайтида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари) тўлдиради. Тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади;<br>- рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, ҲККПда иштирокчи учун шахсий ҳисоб варақ очилади. Иштирокчилар уларнинг ҲККПдаги ҳисоб рақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирдагина электрон давлат харидларида иштирок этадилар;<br>- танлов шартлари билан батафсил танишгандан сўнг иштирокчи электрон танловда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида, “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида зарур маълумотларни тўлдиради.<br>Талаблар бўлимида маълумот киритиш жараёнида иштирокчидан бирор бир талаб бўйича тасдиқловчи ҳужжат сўралган бўлса, ҳужжатни файл кўринишида юклаш зарур. |
| | | 5.3 | Электрон танлов:<br>бюджет буюртмачиси томонидан ўтказилганда иштирокчиларнинг закалати оператор томонидан ғолиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон |

танлов ғолибининг закалати шартнома тузилгунига қадар хатланади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди ва буюрмачининг ҳисоб рақамига махсус ахборот портали оператори номига юборилган ҳужжат асосида ўтказилади.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги танлов ўтказади.

5.4 Буюртмачи таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки қуйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

шартноманинг кучга кириши;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охирги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши.

5.5 Оператор электрон танлов натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закалатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Портал, электрон танловнинг якунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади. Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисоб рақамларига

қайтарилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6 | **Танлов таклифларини баҳолаш тартиби** | | Электрон танлов харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.<br>Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.<br>Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг танлов таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларни иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг топшириғига асосан эксперт гуруҳи томонидан томонидан амалга оширилади. |
| | | 6.1 | Танлов таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:<br>танлов таклифининг танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;<br>иштирокчининг малака талабларга (танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;<br>танлов таклифининг техник қисмидаги ҳужжатлари ҳамда топширилган наъмуналар тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади;<br>танлов таклифининг нарх қисмини баҳолаш.<br>Бунда электрон тизим танлов таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни танлов таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди. |
| | | 6.2 | Электрон танлов иштирокчилари томонидан тузилган |

ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманинг 1-иловасида (№ 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7 шакллар) келтирилган.

6.3 Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.

6.4 Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловда иштирок этишдан четлаштирилади:

- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

- иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;

- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;

- иштирокчи барча зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.

- танлов эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;

- муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарор ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги баённомага (ҳисоботга) киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

6.5 Агар танлов таклифи Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топшириғига асосан ташкил этилган эксперт гуруҳининг хулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланган қарор комиссия котиби томонидан жойлаштирилади.

Иштирокчининг танлов таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

6.6 Танлов таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

6.7 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

**7 Электрон танловда иштирок этиш учун таклиф бериш**

7.1 Танловда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва зарурияtга қараб бошқа тилларда тайёрланади (чет тилларда тақдим этилганда ўзбек ёки рус тилларига ўгиртирилади).

7.2 Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

7.3 Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин*.

**Иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.*

7.4 Танлов таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

7.5 Электрон танлов иштирокчиси:

- битта лотга фақат битта танлов таклифини беришга ҳақли

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

7.6 Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлов таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

7.8 Иштирокчининг техник таклифи қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:

- ташкилотнинг юк ташиш хизматлари сохасида тажрибаси

- логистика оид ишларини олиб бориш учун барча техник воситалар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар (тегишли техник паспортлар нусхалари илова этилади);

- ташкилотдаги малакали ходимлари тўғрисида маълумотлар;

− Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ логистика оид ишларини ташкил этиш бўйича тегишли лицензия/гувоҳнома;

- олдин маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар;

- автомототранспорт воситаларини сақлаш жойлари,

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | автотранспорт билан бирга туғрисидаги фото суратлар.<br>- автотранспорт воситаларида GPS мониторинг тизими жорий этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатувчи) |
| | | 7.9 | Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади. |
| **8** | **Танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш** | 8.1 | Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан танлов таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон танлов иштирокчиларига танлов таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин. |
| | | 8.2 | Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш куни олдин танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.<br>Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади. |
| **9** | **Электрон танлов натижаларини сарҳисоб қилиш** | 9.1 | Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:<br>- танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини ғолиб деб топилади.<br>Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади. |
| | | 9.2 | Қуйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилади:<br>- агар танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;<br>- агар харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса.<br>Бундай ҳолатда буюртмачи танловни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт. |
| | | 9.3 | Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.<br>Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади. |
| | | 9.4 | Электрон танловнинг исталган иштирокчиси танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон танлов натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.<br>Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт. |
| **10** | **Бошқа шартлар** | 10.1 | Электрон танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.<br>Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак. |
| | | 10.2 | Электрон танлов иштирокчиси танлов таклифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли. |
| | | 10.3 | Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | уч иш куни ичида электрон тизим орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади. |
| **11** | **Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш** | 11.1 | Танлов натижалари бўйича шартнома танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.<br>Танлов натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади. |
| | | 11.2 | Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди ва буюрмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги танлов ўтказади. |

**1-илова**

*1-сон шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА*

*202_ йил _-____даги*
*_________-сон*

**Харид комиссияси**

**АРИЗА**

___-сонли ________________ *(танлов предмети номи)* етказиб бериш бўйича танлов ҳужжатларини, сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чекувчи *(танлов иштирокчиси номи)*, танлов ҳужжатларига мувофиқ электрон танловда иштирок этиш ниятини билдирамиз.

Шу муносабат билан, қуйидаги ҳужжатларни юбормоқдамиз:

**1.** Электрон танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;

**2.** Малака ҳужжатлари тўплами;

**3.** Техник таклиф ҳужжатлари (танлов ҳужжатларида қайд этилган);

**4**. Бошқа ҳужжатлар *(бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, номи ва варақларнинг сонини кўрсатинг).*

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ Ф.И.Ш.:

Боғланиш учун телефон/факс: ______________________________________________

Электрон почта манзили: ________________________________

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

МЎ.

*2-сон шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА*

*202_ йил _-____даги*
*_________-сон*

**Харид комиссияси**

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан ___________________________
*(иштирокчи номи)*

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- _____________ *(буюртмачи номи)* билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- ______________ *(буюртмачи номи)* билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _______________

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. ______________

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. ____________________

МЎ.

*3-сон шакл*

**_____________________________________________ тўғрисида умумий маълумот**

| № | Кўрсаткичлар | Маълумот |
|---|---|---|
| 1 | Корхонанинг тўлиқ юридик мулкчилик шакли: | |
| 2 | Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами: | |
| 3 | Хизмат кўрсатувчи банк: | |
| 4 | Корхонанинг раҳбари: | |
| 5 | Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами ( хозирда ишлаётаётган) | |
| 6 | Эл. Почта:<br>Телеграм рақами: | |
| 7 | Низом жамғармаси (низом тақдим этилади): | |
| 8 | Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР: | |
| 9 | Корхонанинг ҳудуди манзили: | |
| 10 | Корхонанинг ишлар олиб борилаётган майдони (ижара шартномаси, кадастрдаги паспортлари): | |
| 11 | Техник воситалар (номи, сони рўйхат асосида) | |

*202_ йил _____*

Мухр имзо

*4-сон шакл*

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Танлов иштирокчисининг номи: _____________________________________________

(*валютани кўрсатинг*)

| АКТИВ | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. | ПАССИВ | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ***I. Узоқ муддатли активлар*** | | | | ***I. Ўз маблағлари манбалари*** | | | |
| Асосий воситалар (қолдиқ қиймати) | | | | Устав капитали (оҳирги ҳисоботлар асосида) | | | |
| Номоддий активлар (қолдиқ қиймати) | | | | Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) | | | |
| | | | | Мақсадли тушумлар | | | |
| Қимматли қоғозлар | | | | ***II.Мажбуриятлар*** | | | |
| Капитал қўйилмалар | | | | Узоқ мддатли мажбуриятлар, қарзлар | | | |
| Инвестициялар | | | | Кредитор қарздорлик: | | | |
| ***II. Жорий активлар*** | | | | шу жумладан, муддати ўтгани | | | |
| Ишлаб чиқариш захиралари | | | | шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | шу жумладан, иш ҳақи бўйича қарздорлик | | | |
| Тайёр маҳсулот | | | | | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Пул маблағлари | | | | | | | |
| Бошқа жорий активлар | | | | | | | |
| *Баланс активи бўйича жами (**I.+ II.** Бўлимлар)* | | | | *Баланс пассиви бўйича жами (**I.+ II.** Бўлимлар)* | | | |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

_______ (*валютани кўрсатинг*)

| Кўрсаткичлар номи | 2022 й. | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---|---|---|
| 1. Сотишдан соф тушум | | | |
| 2. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи | | | |
| 3. Маъмурий харажатлар | | | |
| 4. Бошқа харажатлар | | | |
| 5. Бошқа даромадлар | | | |
| 6. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) | | | |
| 7. Фойда солиғи | | | |
| 8. Фойда (зарар) | | | |

Раҳбар___________________________ Бош ҳисобчи________________________________

МЎ. Сана: 20__й. "___" ________

(*) Молиявий ҳолати, тақдим этилган баланс ҳисоботлари билан солиштирилади, тақдим этилган молиявий ҳужжатлар солиширилганда ноаниқликлар аниқланса харид комиссияси томонидан, иштирокчи дисквалификация қилинади.

*5-сон шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА*

**Харид комиссияси**

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича
АРИЗА

Ушбу хат билан ___________________________:
*(компания номи)*

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этиш;
- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;
- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;
- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;
- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айни битта лотда иштирок этган аффилланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;
- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. ________________

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. _______________

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. _____________________

МЎ.

*6-сон шакл*

*ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА*

ИШОНЧНОМА

*202_ йил _-____даги*
*_________-сон*

**Харид комиссияси**

Ушбу Ишончнома ___________________ ни (хизмат номи) ўтказиб бериш бўйича танловда иштирок этувчи ___________________ га (иштирокчи номи ва манзили) берилган. ______________________ (хизмат чиқарувчи номи), __________________________ да жойлашган (хизмат кўрсатувчининг тўлиқ манзилини киритинг) манзил(лар)ига эга бўлган расмий _____________ хизмат курсативчиси сифатида ___________________ га (иштирокчи номи) танлов таклифи беришига ишонч билдиради.

Ушбу Ишончнома билан биз томондан хизмат кўрсатадиган ___________________ ни (хизмат номи) тақдим этиш ва ўтказиб бериш ваколати берилмоқда.

Агар ___________________ (иштирокчи номи) танлов ғолиби деб топилса, хизмат кўрсатувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ (халқаро стандартларга мувофиқ) хизмат кўрсатиш;

Хизмат кўрсатувчининг раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси ва Ф.И.Ш.

МЎ.

*7-сон шакл*

**Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси ҳақида маълумот**

| Т/р | Етказиб бериш предмети номи | Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари | Етказиб бериш санаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*(ваколатли шахс имзоси)*

*(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)*

**М.Ў.**

Сана: 20__й. “___” _________________

**Ўзбекистон Республакаси ҳудудлари бўйича юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш бўйича**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Асос** | “Таъминот ва логистика хизмати” ДУКнинг 2025 йил 14 мартдаги 35-AF-сонли буйруғи |
| 2. | **Харид мақсади** | Ўзбекистон Республакаси ҳудудлари бўйича юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш орқали умумтаълим мактабларни жиҳозлар, китоблар ва бошқалар билан таъминлаш. |
| 3. | **Буюртмачи** | “Таъминот ва логистика хизмати” ДУК (кейинги ўринларда «Буюртмачи»). |
| 4. | **Етказиб берувчи** | Ижрочи ажратилган бюджет доирасида техник топшириғида кўрастилган талаблир асосида ишлар олиб боради. Ижрочи ажратилган маблағлар доирасида зарур бўлган автотранспорт техникаларда соз бўлган ҳолда хизматлирни таклиф қилиши шарт. Барча тегишли ҳужжатлар рус ёки ўзбек тилида расмийлаштирилиб Буюртмачига етказиб берилаетган ускуна, жиҳозлар, полиграфия маҳсулотлари ва бошқалар билан бирга тақдим этилиши керак. |
| 5 | **Етказиб бериш жойи ва муддати** | Ҳудудий бошқармалар манзилларигача. Йил давомида. Томонларнинг келишуви асосида босқичма – босқич етказиб берилиши мумкин. |
| 6 | **Қадоқлаш ва етказиб бериш бўйича талаблар** | Етказиб берувчи нотўғри қадоқлаб, етказиб бериш пайтида юзага келган ҳар қандай зарар учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олади. |
| 7 | **Товарнинг маркировкаси** | Юк ташувчи корҳона етказиб бериш бўйича ўз бўйнига олган хизматларни бажариш мақсадида қуйидагиларга амал қилади: Маркировкаларни халқаро стандартлар ва ишлаб чиқарувчи талабларига мувофиқлиги, ўчмайдиган бўеқ билан ёзилиши ёки муҳрланганлиги ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олганлигини кўради<br>Шартнома №<br>Жой№<br>Брутто оғирлиги, кг<br>Нетто оғирлиги, кг<br>Миқдор<br>Буюртмачи номи, манзили<br>Қабул қилувчи номи, манзили<br>Махсус талаб этиладиган маҳсулотларга қўшимча белгилар қўйилгани:<br>Тепаси<br>Эхтиёт бўлинг<br>Ташламанг<br>Қуруқ жойда сақланг каби. |
| 8 | **Иш хизматларни техник тартибга солиш сохасидаги норматив ҳужжатларга мослиги бўйича талаблар** | Тақдим этилаётган хизматлар, техник шартларда кўрсатилган стандартларга мос бўлиши керак. Агар бундай стандартлар бўлмаса маҳсулотларни етказиб бериш бўйича мақбул бўлган стандартларга мувофиқлиги бўлиши лозим. Етказиб бериш жараёнида ижрочи ёнғин хавфсизлиги, санитария ва электр хавфсизлиги бўйича амалдаги стандартлар ва нормаларга мос бўлишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш талаб этиладиган номенклатурасига мослиги бўйича ҳужжат олиши лозим. |

| | | |
|---|---|---|
| 9 | **Ҳужжатлаштириш бўйича талаблар** | Юклаб жунатилаётган товарларга ижрочи қуйидаги ҳужжатларни Буюртмачига тақдим етиши мажбур: Манзилга етказиб берувчи номига юкланган товарнинг умумий қиймати, кўрсатилган ҳисоб-фактура (инвойс); Транспорт юк хати; қадоқлаш варақалари; мувофиқ ва сифат сертификатлари. Етказиб бериш давомида етказиб берувчи томонидан, товарлар носоз ҳолатида етказилган бўлса, алмаштириш ва қўшимча етказиб бериш билан боғлиқ ишларни ижрочи ўз ҳисобидан амалга оширади. |
| 10 | **Суғурта бўйича талаблар** | Етказиб берилаётган товарлар ўз вақтида ва тўла туккиз етиб борилиши мақсадида, ижрочи томонидан автотранспортлар ва етказиб борувчи ходимларга суғурталарни расмийлаштиради. |
| 11 | **Фойдаланиш харажатлари бўйича талаблар** | Ижрочи транспорт воситалари созлиги бўйича хизмат кўрсатувчи таъмирлаш ва ёрдамчи бўлинмалардан маълумотларни тақдим этиши лозим. |
| 12 | **Бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш тартиби** | Етказаб берилган товарни қабул қилиш, унинг бутлиги, тўлиқлиги текшириш орқали амалга оширилади. Ишлар/хизматлар натижаларини қабул қилиш мақсадида Буюртмачи белгилланган тартибда Қабул қилиш комиссиясини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Қабул қилиш комиссияси томонидан ишлар/хизматларни қабул қилиш жараёнида ижрочи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида юритилади. Расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонун ҳужжатлар асосида оборилади.<br>Бажарилган ишлар тўғрисида топшириш-қабул қилиш натижалари бўйича икки томонлама далолатнома имзоланади. Қабул қилиш комиссиясининг мақоми ва таркиби Буюртмачи томонидан белгиланади. |

**2-илова**

## Танлов иштирокчисининг дастлабки малакавий баҳолаш тартиби

*Таблица-2*

| № | Мезонлар | Баҳолаш бали | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Харидларда иштирок этишга ариза-хат (1-сонли шакл) | 2 | Мос равишда мавжуд бўлмаса ва тақдим этилмаган бўлса иштирокчи ўтказилаётган харидлардан харид комиссияси томонидан четлаштирилади. |
| 2 | Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома) | 2 | Агар тақдим этилмаган бўлса ва ёки ноаниқликлар аниқланса, иштирокчи харидлардан четлаштирилади. |
| 3 | Харид иштирокчисининг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати (2-сонли шакл). | 2 | Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятлари бор бўлса, иштирокчи харид жараёнларидан четлатилади |
| 4 | Харид иштирокчисининг умумий маълумоти мавжудлиги. Ҳужжатлар илова қилинади. (3-сонли шакл) | 2 | Мос равишда мавжуд бўлмаса ва тақдим этилмаган бўлса иштирокчи ўтказилаётган харидлардан харид комиссияси томонидан четлаштирилади. |
| 5 | Бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этилиши шарт. Иштирокчининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар. Охирги 3 йиллик балансслар. (4-сонли шакл) | 2 | Агар тақдим этилмаган бўлса ва ёки ноаниқликлар аниқланса, иштирокчи харидлардан четлаштирилади. |
| 6 | Харид иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги. | 2 | Агар харид иштирокчиси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик аниқланса харидлардан четлаштирилади. |
| 7 | Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (5-сон шакл). | 2 | Агар тақдим этилмаган бўлса иштирокчи харидлардан четлаштирилади. |
| 8 | Иштирокчининг, шунингдек иштирокчи банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилганлиги. | 2 | Агарда бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади. |
| 9 | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмганлиги. | 2 | Агарда бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади. |
| 10 | Таъсисчилари битта юридик ва жисмоний шахс бўлмаганлиги, манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги. | 2 | Агар бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади. |
| | **Жами максимал бал:** | **20** | |

**<u>Танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш тартиби:</u>**

Тақдим этилган техник таклиф ҳужжатлари ва техник топшириқлари асосида амалга оширилади. Ҳужжатлари нотўғри деб топилган иштрокчилар танловда қатнашишдан четлаштирилади.

*Таблица-3*

| № | Мезон | Баҳо | Изоҳ | Танқидий /афзал |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Техник қисмининг ва техник топшириқларнинг ҳужжатларига мувофиқлиги | 2 балл | Тегишли ташкилот ва органлардан олинган ҳужжатлар тўлиқ тўплами тақдим этилган бўлиб, техник қисми ва техник топшириқларига мос бўлса 2 балл қўйилади. | Танқидий |
| 2 | | 0 балл | Тақдим этилган маълумотлар нотўғри берилганда ва ёки ҳужжатлар нотўғри тўлдирилганда иштирокчи 0 балл олади ва дисквалификация қилинади. | |

*Таблица-4*

| № | Мезонлари | Баҳолаш бали | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| **1** | **Ташкилотнинг юк ташиш хизматлари соҳасида тажрибаси:** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| **1.1** | *10 йилдан кўп* | 5 | |
| *1.2* | *7 йилдан 10 йилгача* | *3* | |
| *1.3* | *6 ойдан – 7 йилгача* | *1* | |
| *1.4* | *6 ойдан кам* | *0* | |
| **2** | **Ташкилотнинг техник топшириқда белгиланган талабларга мос келувчи мавжуд техникаси сони *(сиғими 24 тонна):*** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *2.1* | *10 та ва ундак кўп* | *5* | |
| *2.2* | *7 тадан 10 тагача* | *3* | |
| *2.3* | *3 тадан 7 тагача* | *1* | |
| *2.4* | *Мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |
| **3** | **Ташкилотдаги малакали ходимлар сони** (my.mehnat.uz сайтининг маълумотлари): | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *3.1* | *15 та ва ундан кўп* | *5* | |
| *3.2* | *8 тадан15 тагача* | *3* | |
| *3.3* | *8 тадан кам бўлган тақдирда* | *1* | |
| *3.4* | *Мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |
| **4** | **Лицензияси мавжудлиги:** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *4.1* | *Мавжуд бўлса* | *5* | |
| *4.2* | *Мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |
| **5** | **Ўхшаш товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш бўйича ташкилотнинг тажрибаси:** | **8** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *5.1* | *Хизмат кўрсатилган (охирги 3 йил давомида) 10 млрд. сўмдан кўп* | *8* | |
| *5.2* | *Хизмат кўрсатилган (охирги 3 йил давомида) 7млрд. сўмдан кам бўлмаган ва 10 млрд. сўмдан кўп бўлмаган* | *3* | |
| *5.3* | *Хизмат кўрсатилган (охирги 3 йил давомида) 7млрд. сўмдан кам/мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |
| **6** | **Олдин маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар:** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *6.1* | *Далолатномалар нусхаси ва бошқа тасдиқловчи хужжатлар* | *5* | |
| *6.2* | *Мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **7** | **GPS тизими ўрнатилганлиги:** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *7.1* | *Автотранспорт воситаларига GPS мониторинги тизими ўрнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартномалар нусхалари юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатувчи)* | *5* | |
| *7.2* | *Мавжуд бўлмаган тақдирда* | *0* | |
| **8** | **Автотранспорт воситаларнинг ишлаб чиқарилган йили:** | **5** | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *8.1* | *7 йилгача* | *5* | |
| *8.2* | *7 йилдан 10 йилгача* | *3* | |
| *8.3* | *10 йилдан 15 йилгача* | *1* | |
| *8.4* | *15 йилдан кўп* | *0* | |
| **9** | **Корхонанинг автотранспорт воситаларини сақлаш ва таъмирлаш учун жиҳозланган автотураргоҳи мавжудлиги:** | **5** | |
| *9.1* | *2000 кв.м дан кўп* | *5* | Тасдиқловчи ҳужжатлар юкланади |
| *9.2* | *1000 кв.м дан кам бўлмаган 2000 кв.м гача* | *2* | |
| *9.3* | *1000 кв.м дан кам/ёки кв.м. бўлмаган* | *0* | |
| | **Жами максимал бал:** | **50** | |

(*) Малакавий ҳамда техник ҳужжатлар, тақдим этилган ҳисоботлар билан солиштирилади, танлов комиссияси томонидан, иштирокчи дисквалификация қилинади. Харид комиссияси томонидан малакавий ва техник қисми баҳоланганидан сўнг, таклифларнинг нарх қисми электрон тизим орқали очилади ва энг юқори бал олган ташкилот ғолиб деб топилади.

**Танлов таклифнинг нарҳ қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан ишчи гуруҳларнинг малака ва техник қисм бўйича ҳисоботларига кўра Харид комиссияси овоз бериш йули билан амалга оширилади:**

| № | Мезон | Баҳо | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Таклиф этилган нарх | Энг кам нарх – энг баланд бал | Малакавий ва техник баҳолашдан ўтган шунинг дек паст нарҳ берган иштирокчи ғолиб деб топилади. |

# II. ХИЗМАТЛАРНИНГ ТУРИ, МИҚДОРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ҚИЙМАТИ

**Юк кўтариш қобилияти 24 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларида юк ташиш хизматини кўрсатиш юзасидан корхоналар томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари тўғрисида**

## МАЪЛУМОТ

| № | Ҳудудлар | Оралиқ масофа | Қатновлар сони | Бошланғич нархи | Суммаси | 3% задатка |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЛОТ 1** | | | | | | |
| 1 | Тошкент-Қорақалпоқ Р. (Тахияташ) | 1130,64 | 52 | 26 690 800,00 | 1 387 921 600,00 | **189 088 377,30** |
| 2 | Тошкент-Урганч | 990,17 | 45 | 23 770 320,00 | 1 069 664 400,00 | |
| 3 | Тошкент-Бухоро | 584,22 | 43 | 18 500 000,00 | 795 500 000,00 | |
| 4 | Тошкент-Қарши | 460,89 | 90 | 15 509 999,00 | 1 395 899 910,00 | |
| 5 | Тошкент-Термиз | 692 | 84 | 19 690 000,00 | 1 653 960 000,00 | |
| | **Жами:** | | **314** | | **6 302 945 910,00** | |
| **ЛОТ 2** | | | | | | |
| 1 | Тошкент-Самарқанд | 324,1 | 102 | 10 700 000,00 | 1 091 400 000,00 | **159 503 355,75** |
| 2 | Тошкент-Навоий | 488,9 | 28 | 15 800 000,00 | 442 400 000,00 | |
| 3 | Тошкент-Андижон | 361,27 | 79 | 13 568 960,00 | 1 071 947 840,00 | |
| 4 | Тошкент-Наманган | 295,54 | 73 | 12 400 000,00 | 905 200 000,00 | |
| 5 | Тошкент-Тошкет шаҳар | 8,5 | 37 | 3 500 000,00 | 129 500 000,00 | |
| 6 | Тошкент-Тошкент вил. | 25 | 19 | 5 070 000,00 | 96 330 000,00 | |
| 7 | Тошкент-Жиззах | 209 | 35 | 8 499 999,00 | 297 499 965,00 | |
| 8 | Тошкент-Фарғона | 333,67 | 93 | 12 779 040,00 | 1 188 450 720,00 | |
| 9 | Тошкент-Гулистон | 110,66 | 15 | 6 270 000,00 | 94 050 000,00 | |
| | **Жами:** | | **481** | | **5 316 778 525,00** | |

# III. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ.

**Шаҳарлараро автомобил транспортида юк ташиш**
**ШАРТНОМАСИ №________**

**Тошкент** **“__” ________ 2025 йил**

**“ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИ” ДУК (**кейинги ўринларда “БУЮРТМАЧИ”**)** номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи директор А.Турсунов, бир томондан ва “ТАШУВЧИ” деб аталади, ва _________________________________ (кейинги ўринларда “ТАШУВЧИ”**)** номидан _______________________________________________, шунингдек, шартномада “томон” сифатида алоҳида ва биргаликда “томонлар” деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “ТАШУВЧИ” юк автомашинаси билан автотранспортда ташиш хизматини кўрсатиш, яъни юкларни “БУЮРТМАЧИ” топшириғига биноан шартноманинг ажралмас қисми бўлган ва юкларни ташишни қўшимча равишда аниқлаштирадиган иловада белгиланган манзилга етказиш бериш, “БУЮРТМАЧИ” эса ушбу етказиб берилган юкларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбурятини ўз зиммасига олади.

1.2. “БУЮРТМАЧИ”нинг олдиндан талаби ва огоҳлантиришига биноан, манзил бўйлаб ҳудудларда юкларни қисман туширилиши лозим. Бунда “БУЮРТМАЧИ” юк ташишдан олдин “ТАШУВЧИ”га юкларни қисман тушириш пунктлари ва жойлардаги вакилларнинг алоқага чиқиш маъумотларини тақдим этади.

1.3. “ТАШУВЧИ” юкларни ўз транспорт воситаларида ташишни амалга оширади, зауратга кўра, ташиш жараёнига учинчи шахс ташувчиларининг транспорт воситалари жалб қилиниши мумкин.

## 2. ТАШИШ ШАРТЛАРИ

2.1 Юк ташиш “БУЮРТМАЧИ” томонидан ёзма равишда тақдим этилган талабнома асосида “ТАШУВЧИ” томонидан амалга оширилади.

2.2 Ташувчининг муҳри билан тасдиқланган йўл варақаси ҳайдовчига юкни қабул қилиш, юклаш ва тушириш пунктига кириш ва улардан чиқиш ҳуқуқини ушбу объектларда ўрнатилган махсус рухсатномасиз беради.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “БУЮРТМАЧИ”нинг мажбуриятлари:

3.1.1. “БУЮРТМАЧИ” “ТАШУВЧИ”га юк ташишнинг кутилаётган ҳажми тўғрисида хабар беради ва ташувчига режалаштирилган юклашдан 2 кун олдин уни қабул қилиш учун масъул шахсни кўрсатган ҳолда ёзма сўровни тақдим этади (тўлиқ исми, юридик шахснинг тўлиқ номи);

3.1.2. Юк хати, сертификатлар ва техник шартларларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, шунингдек, юк кўтариш ва тушириш пунктларида транспорт воситасининг ҳақиқий етиб келиш ва жўнаш вақти тўғрисидаги маълумотларнинг йўл варақасига белгилашни таъминлайди; юклаш ва тушириш жойларига етиб келишнинг ҳақиқий вақти йўл варақаси ва юк хатида белгиланмаган тақдирда, “ТАШУВЧИ” унга тегишли транспорт воситасининг юк ташиш учун жўнаш пайти ва юк туширилгунга қадар етиб борган ҳақиқий муддатини ҳисоблаш ҳақли.

3.1.3. Ўз кучлари ва воситалари билан, ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилган ҳолда ва товарлар ва ҳаракатланувчи таркибнинг хавфсизлигини таъминлайди, автомобилларга юклаш ва товарларни ўз омборлари ва базаларида улар келган куни тушириш, юкнинг келган кун ва вақти тўғрисида ўз вақтида хабар беришни амалга оширади;

3.1.4. Ҳайдовчиларни ва “ТАШУВЧИ”нинг бошқа вакилларини хизматда фойдаланиш учун юклаш ва тушириш пунктларида телефон ва телекс алоқаси билан таъминлайди;

3.1.5. Ҳайдовчиларга ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларини ҳисобга олган ҳолда юклаш ва тушириш жойига кириш ва чиқиш манзилининг тавсифини тақдим этади.

3.1.6. Автомобилга умумий оғирлиги (брутто) 24 тоннадан ортиқ бўлмаган юкни юклайди.

3.1.7 “БУЮРТМАЧИ” автомобилни амалдаги қонунлар билан тақиқланган ва кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган товарлар (гиёҳванд моддалар, портловчи моддалар ва бошқалар) билан юклаганлиги учун тўлиқ жавобгардир.

3.2. “ТАШУВЧИ” нинг мажбуриятлари:

3.2.1. “БУЮРТМАЧИ”нинг талаби(сўров)га мувофиқ ҳаракатланувчи таркибни (подвижной состав) ўз вақтида етказиб беришни таъминлайди.

3.2.2. Сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб 24 соат ичида “ТАШУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ”га юк етказиб беришни ижро этиш учун қабул қилинганлиги ёки бажаришнинг иложи йўқлиги тўғрисида хабар беради.

3.2.3. Ушбу турдаги юкларни ташиш учун мос бўлган ҳолатда хизматга яроқли ҳаракатланувчи таркибни 24 соат ичида юклаш учун тақдим этади;

3.2.4. Ҳайдовчига мазкур транспорт турдаги ташишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўпламини тақдим этади;

3.2.5. Юкларни ташиш пайтида унинг шикастланиш ва бошқа шикастланишлардан сақланишини таъминлайди, агар юк шикастланган бўлса, ташувчи мижозга тўлиқ компенсация қилади;

3.2.6. “БУЮРТМАЧИ” томонидан ишониб топширилган юкни манзилга етказиб беради ва уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширади;

3.2.7. Заруратга кўра, “БУЮРТМАЧИ”нинг талаби билан юклаш ёки тушириш учун ҳаракатланувчи таркибни етказиб беради.

3.2.8. Рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва юклаш учун 2 кун ажратилади.

3.2.9. Юклар белгиланган жойга етказилгандан сўнг, юкларни тушуриш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун 2 иш куни ажратилади.

3.2.10. Ташувчи учинчи томон транспорт воситаларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

## 4. ТАШИШ УЧУН ТЎЛОВЛАР

4.1. “БУЮРТМАЧИ” ушбу шартномага қўшимча иловаларга мувофиқ “ТАШУВЧИ”нинг ҳисоб рақамига шартнома миқдорининг 30 фоизи қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда қўшиб ҳисоблаганда, миқдорида аванс тўловини ўтказади. Тўловнинг қолган 70 фоизи бажарилган ишлар далолатномаси имзоланганидан ва “ТАШУВЧИ” томонидан тегишли барча ҳужжатлари (юк хати, қабул қилиш далолатномаси ва бошқалар) тақдим этилганидан кейин 30 календар кун ичида амалга оширилади).

4.5. Томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ташиш шартлари ўзгарган, бу эса ушбу шартномада назарда тутилган товарларни ташиш нархининг ошишига олиб келган тақдирда, ташувчи янги ташиш нархини эълон қилади, у эълон қилинганидан кейин 5 кун ўтгач кучга киради. Агар “БУЮРТМАЧИ” ташишнинг янги нархини тасдиқламаса, “ТАШУВЧИ” янги ташиш қиймати бошланган пайтдан бошлаб шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади ва “БУЮРТМАЧИ”дан амалга оширилмаган ташиш ҳажми учун олинган суммани “ТАШУВЧИ” томонидан қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда қайтариб беради.

## 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

5.1. Томонлар:

5.1.1. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

5.1.2. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

5.2. Томонда ушбу шартноманинг 5.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ моддий жавобгар бўлади.

6.2. “ТАШУВЧИ” ушбу шартнома бўйича ташилган барча товарларнинг хавфсизлиги учун улар қабул қилинган пайтдан бошлаб, жўнатувчининг муҳрлари мавжуд бўлганда олувчига етказиб берилгунга қадар моддий жавобгардир. “ТАШУВЧИ” юкни жўнатувчидан қабул қилади ва уни белгиланган тартибда худди шу муҳрланган ҳолатда қабул қилувчига етказиб беради. Ташиш жараёнида жўнатувчининг муҳри бутлиги бузилган тақдирда “ТАШУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ” олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

6.3. “ТАШУВЧИ”нинг айби билан автотранспорт воситаси юклаш учун 24 соатдан кечикиб келганда ва “ТАШУВЧИ” иловада кўрсатилган муддатларни бузган ҳолда юкни етказиб бериш пунктига кечикиб келганда, “БУЮРТМАЧИ”га ҳар бир кун учун 200.000 сўм жарима тўлайди.

6.4. Томонлар шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу енгиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида содир бўлса, жумладан: зилзила, тошқин, бўронлар ва бошқа табиий офатлар, ҳар турдаги уруш ва ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, экспорт, импорт тақиқлари ёки томонларнинг назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар.

6.5. “БУЮРТМАЧИ” автомобилни юклаш ёки тушириш вақтида унинг айби билан содир бўлган 48 соатдан ортиқ кечикиш учун “ТАШУВЧИ”га ҳар бир кун учун 100.000 сўм жарима тўлайди, шунингдек, автомобилнинг бекор туриб қолиши билан боғлиқ барча асосланган харажатларни ўз зиммасига олади.

6.6. Ушбу шартномага иловаларда назарда тутилган юк ташиш учун тўлов шартлари бузилган тақдирда, “БУЮРТМАЧИ” “ТАШУВЧИ”га ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳар бир ташиш нархининг 0,4% миқдорида, лекин юк ташиш нархининг 40% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

6.7. “БУЮРТМАЧИ”га транспорт воситаси автомобил корхонасига қайтарилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай амалга оширилган юк ташиш учун ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

6.8. Ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “ТАШУВЧИ”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки юкларни ташиш муддати бир ойга (30 кунга) кечиктирилганда кафолат суммаси “ТАШУВЧИ”га қайтарилмайди.

## 7. ДАЪВОЛАР

7.1. “ТАШУВЧИ” ва “БУЮРТМАЧИ” низолар ва келишмовчиликларни келишувлар асосида ҳал қилиш учун барча чораларни кўради.

7.2 Агар томонлар келишувга келмаса, низолар ва келишмовчиликлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

## 8. ҚАДОҚЛАШ

8.1. Товар қадоқлаш талабларига жавоб бериши ва тўлиқ хавфсизликни таъминлаши ва юкларни юклаш, тушириш ва транспорт воситаларида ташиш пайтида юкларни шикастланишдан ҳимоя қилиниши лозим.

8.2. Агар юкнинг йўқолиши ёки шикастланиши қадоқлашнинг йўқлиги ёки нуқсони туфайли содир бўлган бўлса, ТАШУВЧИ ташилган юкнинг сақланиши учун жавобгарликдан озод қилинади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2025 йилгача амал қилади, агар бирон бир томон шартноманинг амал қилиш муддатидан 30 кун олдин шартномани бекор қилиш истагини билдирмаса, бу кейинги календар йили (31 декабргача) учун шартноманинг автоматик равишда узайишига олиб келади.

9.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Томонлар факсимиле томонидан юборилган ҳужжатларнинг юридик кучини тан оладилар.

9.4. Манзиллар ёки реквизитлар ўзгарган тақдирда, томонлар 3 кун ичида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

9.5. Ушбу шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан тузилган.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

| **“БУЮРТМАЧИ”** | **“ТАШУВЧИ”** |
|---|---|
| **“Таъминот ва логистика хизмати” ДУК** | **“__________________________” МЧЖ** |
| Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 49Б-уй. | Манзил: __________________________________, |
| Банк: “Ипотека банк” АТИБ Меҳнат ф-ли | Банк: |
| Ҳ/р: 4700 1086 0262 6670 9840 0075 001 | Ҳ/р_______________________________________ |
| МФО: 00423, СТИР: 310 014 790 | МФО: ____________, СТИР: ______________ |
| | ОКЭД: __________________________________ |
| Тел.: +998 (55) 501-33-53 | Тел: ___________________________________ |
| **Директор ________________А.Турсунов** | **Директор ____________ __________________** |